

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Оқолтин тумани

2023 йил 01 июнь

Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг судьяси Н.Сангиров раислигида, судья ёрдамчиси Қ.Хусановнинг суд мажлиси котиблигида, даъвогар ишончли вакили ФФФ (2023 йил 01 июндаги 01-24-206/30-01-35-53-сонли ишончнома асосида), жавобгар ишончли вакили ВВВ (2023 йил 01 июндаги № 01/25-сонли ишончнома асосида) иштирокида, даъвогар ТТТбўлимининг, жавобгар “333” акциядорлик жамиятидан 30 779 930 сўм маблағни регресс тартибида ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва илова қилинган ҳужжатларни Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг биносидан очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

ТТТбўлими (кейинги ўринларда “даъвогар” деб аталади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар “333” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда “жавобгар” деб аталади)дан 30 779 930 сўм маблағни регресс тартибида ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво талабларини қувватлаб, даъво талабларини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили даъво талабини тан олиб, қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд, ишда иштирок этувчи даъвогар ва жавобгар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра даъвогарнинг даъво аризасини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 8-моддаси биринчи қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

ФКнинг 234-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгарда ишлаган фуқаролар Мирзаева Кумушхон, Одашалиева (Ниёзметова) Наргиза, Норкулова Умеда ва Рузиев Зухриддинга иш вақтида юз берган бахтсиз ҳодиса сабабли майибланган ва ногирони деб ҳисобга олиниб, уларга даъвогар томонидан ногиронлик нафақа тайинланиб, тўлаб келинган.

Даъвогар томонидан тўланган пенсия пули 2023 йил 01 февраль ҳолатига 30 779 930 сўмни ташкил этган.

Бироқ, мазкур тўланган пул маблағлари жавобгар томонидан даъвогарга қоплаб берилмаган.

Натижада, жавобгарнинг даъвогар олдида 30 779 930 сўм қарздорлик юзага келган.

Шу сабабли, даъвогар томонидан Ўзбекистон Республикаси “Давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни (кейинчалик матнда “Қонун” деб юритилади) 66-моддасига асосан (пенсия) нафақа тўлаб берилганлиги сабабли, ушбу маблағларни ихтиёрий равишда тўлаб бериш тўғрисида жавобгарга 2023 йил 17 февралда № 01-24-206/30-01-35-37-сонли регресс талабнома юборган.

Бироқ, ушбу талабнома жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилиб, тўловлар амалга оширилмаган.

Шу сабабли, даъвогар жавобгардан 30 779 930 сўм маблағни регресс тартибида ундиришни сўраган.

Қонуннинг 66-моддасига кўра, ушбу Қонунга мувофиқ тайинланган пенсияларни, шунингдек дафн этиш нафақасини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар корхонанинг айби билан меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик учун тайинланган пенсияларни тўлаш, шунингдек ходим ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига тўлгунга қадар ушбу Қонун 12-моддасининг “б”-“ж” бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун иш ҳақи тўлашга мўлжалланган маблағлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига харажатларни қопловчи пул ўтказиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом (бундан буён ўринда “Низом” деб юритилади)нинг 10-бандига кўра, ташкилотлар ходим Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёшига етгунга қадар Қонуннинг 12-моддаси «б» кичик бандига мувофиқ тайинланган, бироқ ушбу низомнинг 11-бандига мувофиқ белгиланадиган унинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган пенсияларни тўлашга ўтган йил учун Пенсия жамғармасининг амалдаги харажатларини ҳар йили 1 февралгача тўлик қоплаши лозимлиги, ушбу Низомнинг 13-бандида эса пенсия жамғармасининг ташкилот солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган маблағларни, улар ташкилотлар томонидан ўз вақтида тўланмаган тақдирда, регресс даъволар бўйича ташкилотлардан ундириб олиши мумкинлиги белгиланган.

ФК 236-моддасига асосан мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида

эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда кўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Мазкур ҳолатда суд, даъво талаби ишлаб чиқаришда бахтсиз ходиса ва саломатликка бошқа хил зарар етказилиши тўғрисида расмийлаштирилган далолатномалар, тўлов маълумотлари ва тақдим этилган ҳужжатларга асосан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 30 779 930 сўм асосий қарз ундиришни лозим деб топади.

Шу билан бирга суд, давлат божи ва почта харажати масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддаси ҳамда 2020 йил 06 январдаги № 600-сонли “Давлат божи тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган давлат божи ставкалари миқдорининг 2-банди талабига мувофиқ, 615 598 сўм 60 тийин давлат божини жавобгар зиммасига юклашни ва олдиндан тўланган 33 000 сўм почта харажатини жавобгардан даъвогар лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 112, 113, 118, 176-180-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъвогар ТТТбўлимнинг даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар “ЗЗЗ” акциядорлик жамиятидан даъвогар ТТТбўлими фойдасига 30 779 930 сўм асосий қарз ва 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгар “ЗЗЗ” акциядорлик жамиятидан Республика бюджетига 615 598 сўм 60 тийин давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин

Ҳал қилув қароридан норози тараф бир ой ичида шу суд орқали Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин.

Судья

Н.Сангиров